



ISSN 2181-9297

Doi Journal 10.26739/2181-9297

**СЎЗ САНЪАТИ  
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ**

---

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ  
ИСКУССТВО СЛОВА**

---

**INTERNATIONAL JOURNAL  
OF WORD ART**

№5 (2019)



TOSHKENT-2019

**Бош муҳаррир:**  
**Холбеков Муҳаммаджон**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Главный редактор:**  
**Холбеков Мухаммаджон**  
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Editor in Chief:**  
**Kholbekov Muhammadjan**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Тўхтасинов Илҳом**  
ф.ф.д., доцент (Ўзбекистон)

**Заместитель главного редактора:**  
**Тухтасинов Илхом**  
к.ф.н., доцент (Узбекистан)

**Deputy Chief Editor**  
**Tuhtasinov Ithom**  
Ph.D. Ass. Prof. (Uzbekistan)

**Таҳрир ҳайъати:**

**Редакционная коллегия:**

**Editorial Board:**

**Назаров Бахтиёр**  
академик. (Ўзбекистон)

**Назаров Бахтиёр**  
академик. (Узбекистан)

**Bakhtiyor Nazarov**  
academician. (Uzbekistan)

**Якуб Умарўғли**  
ф.ф.д., профессор (Туркия)

**Якуб Умар оглы**  
д.ф.н., профессор (Туркия)

**Yakub Umarogli**  
Doc. of philol. scien., prof. (Turkey)

**Алмаз Улви Биннатова**  
ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

**Алмаз Улви Биннатова**  
д.ф.н., профессор (Азербайджан)

**Almaz Ulvi Binnatova**  
Doc. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)

**Боқиева Гуландом**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Бакиева Гуландом**  
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Bakieva Gulandom**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Миннуллин Ким**  
ф.ф.д., профессор (Татаристон)

**Миннуллин Ким**  
д.ф.н., профессор (Татарстан)

**Minnulin Kim**  
Doc. of philol. scien., prof. (Tatarstan)

**Махмудов Низомиддин**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Махмудов Низомиддин**  
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Mahmudov Nizomiddin**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Керимов Исмаил**  
ф.ф.д., профессор (Россия)

**Керимов Исмаил**  
д.ф.н., профессор (Россия)

**Kerimov Ismail**  
Doc. of philol. scien., prof. (Russia)

**Жўраев Маматкул**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Джураев Маматкул**  
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Juraev Mamatkul**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Куренов Рахиммамед**  
к.ф.н. (Туркменистон)

**Куренов Рахыммамед**  
к.ф.н. (Туркменистан)

**Kurenov Rakhimmamed**  
Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

**Кристофер Жеймс Форт**  
Мичиган университети (АҚШ)

**Кристофер Джеймс Форт**  
Университет Мичигана (США)

**Christopher James Fort**  
University of Michigan (USA)

**Умархўжаев Мухтор**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Умархаджаев Мухтар**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Umarkhodjaev Mukhtar**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Мирзаев Ибодулло**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Мирзаев Ибодулло**  
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Mirzaev Ibodulla**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Болтабоев Ҳамидулла**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Балтабаев Ҳамидулла**  
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Boltaboev Hamidulla**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Дўстмухаммедов Хуршид**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Дустмухаммедов Хуршид**  
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Dustmuhammedov Khurshid**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Лиходзиевский А.С.**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Лиходзиевский А.С.**  
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Lixodzievsky A.S.**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Сиддиқова Ирода**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Сиддикова Ирода**  
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Siddiqova Iroda**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Шиукашвили Тамар**  
ф.ф.д. (Грузия)

**Шиукашвили Тамар**  
д.ф.н. (Грузия)

**Shiukashvili Tamar**  
Doc. of philol. scien. (Georgia)

**Юсупов Ойбек**  
масъул котиб, доцент  
(Ўзбекистон)

**Юсупов Ойбек**  
доцент (Узбекистан)  
отв. секретарь

**Yusupov Oybek**  
Ass. prof. (Uzbekistan) - Senior  
Secretary

**Pagemaker | Верстка | Саҳифаловчи:** Хуршид Мирзахмедов

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амир Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

# МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

## Тилшунослик / Языкознание / Linguistics

- 1.Карабаева Б.Б.**  
КОГНИТИВ ТИЛШУНОСЛИК ЙЎНАЛИШЛАРИНИНГ ИЛМИЙ  
НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....5
- 2.Мавлонов О.А.**  
ЎЗБЕКИСТОНДА ТЕОЛИНГВИСТИКА.....11
- 3.Маннонова С.А.**  
РАСМИЙ ХАТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА  
СУБЖАНРЛАРИ.....19
- 4.Мўминова Д.А.**  
ДЕЙКСИСНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТИ.....26
- 5.Тоирова Д.Ф.**  
ЭМИЛЬ ЗОЛЯНИНГ АСАРЛАРИДА КУНЛИК ФАОЛИЯТНИ ТАҲЛИЛ  
ЭТИШ.....38
- 6.Shukurova В.В.**  
NAZAR ESHONQUL NIKOYALARIDA KONTRAST USULINING  
AN'ANAVIY VA ZAMONAVIY ASPEKTLARI.....45

## Адабиётшунослик / Литературоведение / Literary criticism

- 7.Жуманова Д.Қ.**  
МУМТОЗ ҲАЖАЛЛАР ТАҲЛИЛИ ВА ТАЛҚИНИ.....52
- 8.Назаров С.Ҳ.**  
Й.В.ГЁТЕ "ФАУСТ" АСАРИДА КОНЦЕПТУАЛ МЕТАФОРА ТАҲЛИЛИ.....58
- 9.Шофиев О.**  
ЎЗ МУҲИТИГА СИФМАГАН ОДАМ ОБРАЗИ (Эркин Аъзам ижоди мисолида)..66
- 10.Юлдашева Д.М.**  
СИНТАКТИК ТАКРОРЛАРНИНГ БАДИИЙ- ЭСТЕТИК ИМКОНИЯТЛАРИ..75

## Таржимашунослик / Переводоведение / Translation Studies

- 11.Муҳамедов Х.А.**  
ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИНИНГ ФАН СИФАТИДА  
ШАКЛЛАНИШИ (ҲАЙБУЛЛА САЛОМОВНИНГ "ТИЛ ВА ТАРЖИМА"  
МОНОГРАФИЯСИ МИСОЛИДА).....81


## МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

<b>12. Гулямова Г.Я.</b> БАДИЙ МАТН ТАРЖИМАСИДА ТРАНСФОРМАЦИОН МЕТОД ХУСУСИЯТИ.....	87
<b>13. Мирзаахмедова М.Й.</b> ТАРЖИМА ИЛМИ МАСАЛАСИ ЮЗАСИДАН ФИКРЛАР.....	94
<b>14. Улмасбаева М.А.</b> КОГНИТИВНЫЙ АНАЛИЗ НАЦИОНАЛЬНОГО КОЛОРИТА В ХУДОЖЕСТВЕННОМ ПЕРЕВОДЕ.....	105
<b>Санъат ва журналистика/ Искусство и Журналистика / Arts and Journalism</b>	
<b>15. Музаффарова С.Х.</b> МИЛЛИЙ ЭСТРАДА САНЪАТИ ТАРАҚҚИЁТИДА СЎЗ, МУСИҚА ВА ИЖРО УЙҒУНЛИГИ МАСАЛАЛАРИ (шоир, бастакор ва хонанда ҳамкорлиги мисолида).....	113
<b>16. Мусаева Н.А.</b> ХИТОЙ МАТБУОТИДА ЎЗБЕК-ХИТОЙ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ ("БИР МАКОН, БИР ЙЎЛ" ЛОЙИҲАСИ АСОСИДА).....	118
<b>17. Ходжиматова М.К.</b> СЎЗ САНЪАТИНИНГ МАЪНАВИЙ ҚУДРАТИ.....	123
<b>18. Ибрагимова У.</b> ЖОНЛИ СЎЗНИНГ САҲНАВИЙ ИФОДАВИЙЛИГИ.....	129
<b>Лингводидактика ва методика/ Лингводидактика и методика/ Linguodidactics and methodology</b>	
<b>19. Зоирова Д.А.</b> ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА КОММУНИКАТИВ-КУМУЛЯТИВ МЕТОД АСОСИДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ САМАРАЛИ ЎҚИТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ.....	135
<b>20. Иканова Л.С.</b> БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ОНА ТИЛИДАГИ МАТНЛАРНИ ЎҚИБ ТУШУНИШ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ.....	145
<b>21. Хасанова Д.К.</b> ХАЛҚАРО PIRLS БАҲОЛАШ ДАСТУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДА ЎҚИШ ВА ЁЗУВ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИ.....	152
<b>22. Имамова У.М.</b> ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШДА АКМЕОЛОГИК ЁНДАШУВЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИ.....	162

**СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ  
МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА  
INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART**

Юлдашева Дилафруз Махаммадалиевна,  
Фаргона давлат университети ўқитувчиси

**СИНТАКТИК ТАКРОРЛАРНИНГ БАДИЙ- ЭСТЕТИК  
ИМКОНИЯТЛАРИ**

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-5-10>

**АННОТАЦИЯ**

Ўзбек тилшунослигида лингвопрогматик йўналишдаги тадқиқот ишларини олиб боришга эътибор ривожланиб бормоқда. Тил бирликларининг нутқдаги реаллашувини ўрганиш, тил воситаларининг имконият даражасининг аниқланиши миллий қадриятларимизнинг ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда. Шу нуқтаи назардан мақолада синтактик такрорларнинг бадиий матнни ҳосил қилишдаги ўрни, лингвопоэтик жиҳатдан аҳамияти баён этилган.

**Калит сўзлар:** синтактик такрор, лингвопоэтика, бадиий эстетик таъсир, ташобеҳул-атроф, ҳалқа, мисра ва банд такрори.

Юлдашева Дилафруз Махаммадалиевна,  
Преподаватель Ферганского государственного университета

**ХУДОЖЕСТВЕННО-ЭСТЕТИЧЕСКИЕ ВОЗМОЖНОСТИ  
СИНТАКСИЧЕСКИХ ПОВТОРОВ**

**АННОТАЦИЯ**

В лингвистике все большее внимание уделяется лингвистическим исследованиям. Изучение языковых реалий языковых единиц и определение возможностей языковых инструментов вносят значительный вклад в развитие наших национальных ценностей. В статье исследовано место синтаксических повторов в образовании художественного текста и их значение с точки зрения лингвопоэтики.

**Ключевые слова:** синтаксический повтор, лингвопоэтика, художественно-эстетическое воздействие, "ташобеҳул-атроф", кольцо, повтор строки и строфы.

Yuldasheva Dilafruz Maxammadaliyevna,  
Lecturer of Fergana State University

## THE LITERARY-AESTHETIC POSSIBILITIES OF THE SYNTACTIC REITERATES

### ANNOTATION

In linguistics, there is an increasing emphasis on linguistic research. Studying the language realities of language units and identifying the possibilities of language tools make a significant contribution to the development of our national values. In this article the syntactic reiterates position in fictional text formation and their significance from the standpoint of lingua-poetics are considered.

**Key words:** syntactic reiterate, lingua-poetics, artistic-aesthetic influence, tashobehul-atrof, circle, stanza and line reiterate.

Ўзбек тилшунослигида лингвопрогматик йўналишдаги тадқиқот ишларини олиб бориш ривожланиб бормоқда. Тил бирликларининг нутқдаги реаллашувини ўрганиш, тил воситаларининг имконият даражасининг аниқланиши миллий қадриятларимизнинг ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда. Жумладан, бир қатор тадқиқотларда синтактик такрорларнинг маъновий, услубий, шунингдек, бадиий санъат ҳосил қилиш имкониятлари тадқиқ қилиниб, бадиий-услубий, бадиий-эстетик имкониятлари очиб берилмоқда. Синтактик такрор сўз бирикмаси ва гап такрори бўлиб, бадиий такрорнинг фонетик-орфоэпик, лексик ва морфологик такрордан лингвопоэтик хусусиятлари, бадиий ва эстетик таъсир имкониятларини юқорилиги билан фарқланиб туради. Бадиий такрор ҳодисаси муайян даражада:

а) соф лингвистик; б) лингвостилистик ва лингвопоэтик; в) бадиий санъатларнинг ўзига хос тури сифатида тадқиқ қилинган.

Синтактик такрор турларини шоир Муҳаммад Юсуф ижоди мисолида кўриш мумкин. Унинг шеъриятида такрорларнинг фонетик-орфоэпик, лексик ва морфологик, шунингдек, синтактик турлари мавжуд бўлиб, уларни ўрганиш шоир ижодининг лингвопоэтик хусусиятларини очиб беради.

Маълумки, Муҳаммад Юсуфнинг бетакрор маҳорати, ўзига хос бадиий услуби, шоирона нафаси шеърий мисраларида уфуриб туради. Шоир шеърияти муסיқийлиги, халқ оғзаки ижодига ҳамоҳанглиги, такрорларга бойлиги, бадиий санъатлар ва услубий воситаларнинг кенг қўлланганлиги билан фарқланиб туради. Айниқса, синтактик такрор воситаси шоир шеъриятининг ғоявий пишиқлиги, бадиий мукамаллиги, ўзига хос сўз қўллай олиш маҳоратини намоён бўлган. Илмий адабиётларда таъкидланишича, такрор лафзий санъат бўлиб, бу санъат билан боғлиқ услубий воситалар нутқ бирликларининг лингвопоэтик жиҳатдан актуаллашишига хизмат қилган.

Шоир шеърияти учун хос бўлган синтактик такрор турларидан ташобеҳул-атроф, ҳалқа, мисра ва банд такрори орқали лингвопоэтик маъно англашилиб, шеърий мисраларнинг жонли, таъсирчан ҳамда жозибали бўлишига замин ҳозирланган.

Бадиий матндаги синтактик такрор грамматик такрор таркибига киради, грамматик такрор эса бирор қўшимча, сўз бирикмаси, гап, шеърий мисра ёки банднинг матнда ёки шеър мисраларида ижодкор томонидан мақсадли такрор қўлланиши тушунилади. Бундай такрор қўлланиш қўшимча маъно оттенкасига эга бўлиб, турли услубий вазифаларни бажаришга хизмат қилади. Грамматик

такрорларнинг, айниқса, синтактик такрорларнинг бошқа такрорлардан фарқи шундаки, бундай такрорларда гап, мисра ёки банд тўлиғича такрорланиб, кенгроқ ва тўлиқроқ фикр ифодалашга, мазмунни батафсил ёритишга қаратилган бўлади.

Ташобеҳул-атроф такрори тарихий поэтикага оид манбаларда тасбеҳ санъати деб ҳам юритилган. Бундай такрорлар мисралар ёки бандларни бир- бирига боғлашга хизмат қилади. Адабиётшунос Ёқубжон Исҳоқов бу такрорнинг хусусиятларини атрофлича ёритиб берган[5.82].

Ташобеҳул-атроф такрори сўз шаклида ҳам қайтарилади. Бу такрорнинг Муҳаммад Юсуф шеъриятида, асосан, сўз бирикмаси шаклидаги такрори кўпроқ кузатилади. Ташобеҳул-атроф шеърини матнда қатъий қўлланиш ўрнига эга бўлган такрордир. Бирор мисра ёки банд охиридаги сўз ёки сўз бирикмаси кейинги мисра ёки банд бошида такрор келади. Байтлар ўртасидаги, шунингдек, бандлар доирасидаги боғлиқликни таъминловчи такрорларнинг қўлланиши тарихий поэтикага доир манбаларда мусалсал (учма-уч улаш) деб ҳам юритилган.

Қайд қилинган ҳолатларни ҳисобга олиб, мисра ва бандлар ўртасидаги боғлиқликни таъминловчи такрорнинг ушбу кўриниши ташобеҳул-атроф такрори бўлиб, шоир шеъриятидаги бундай такрорлар мисралар, бандлар ўртасидаги боғлиқликни таъминлаш билан бирга ўзига хос таъсирчанликни юзага келтириб, маълум бир сўз ёки сўз бирикмасининг алоҳида ажралиб туришини таъминлаган. Бундай такрорни шоир "Тиллақўнғиз" шеърисида қўллаган:

*Тўхта, тиллақўнғиз,  
У ёққа борма,  
Ариқдан ўтдингми - у ёғи гўза,  
Тонг олди бошлаган ишингдан қолма,  
Ялпизнинг лабидан сўрабер бўса.*

*Тўхта, тиллақўнғиз,  
У ёққа борма,  
Этик пошнасиди эзилар жонинг,  
Инсон банд, у сизнинг саломга зорми?  
Ўртоқ қумурсқалар, менга ишонинг...*

Шеърда тиллақўнғиз тимсоли орқали табиат ифодаланмоқда. Шоир инсонда табиатдаги жонзотларга хайрихоҳлиги йўқолиб, ўз ташвишларига ўралиб бораётганига ишора қилади. Шеърда тиллақўнғизнинг ундалма сифатида берилиши, шеърда гапнинг такрор келиши китобхон диққат эътиборини уйғотади. Кейинги мисраларда жониворларда ҳам рўзғор ташвиши кўпайиб кетгани, уларда ҳам тоқат йўқлиги таъкидланиб, буйруқ гап тарзида "у ёққа борма!" ҳукми билан шеър яқунланади.

Яна бир олти бандлик "Ёр-ёр" шеърининг биринчи бандида "Осмон олис, осмон жим" мисраси уч маротаба, иккинчи банддаги "Ҳай ҳай ўлан, жон ўлан" мисраси ҳам уч маротаба такрор қўлланади. Ҳар икки гап бандларнинг биринчи сатрида келиб, кейинги мисралар учун изоҳланадиган фикрга айланади. Бунда синтактик такрор қўлланилган мисрадаги бир сўз кейинги мисрада ҳам такрорланади:

*Осмон олис, осмон жим,  
Осмон қулоқ солади:  
Юрагимни соғинчим*

*ўижжак қилиб чалади.*

*Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,  
Жоним қақшар, ёр-ёр  
Қайда бўлсанг сен билан  
Севгим яшар ёр-ёр...*

Кўринадики, осмон, жон сўзлари кейинги сатрларда такрор қўлланилган.

Шеърятда кўп қўлланадиган бадий такрорлардан бири ҳалқа такроридир. Бу такрорда шеърнинг бошида келган мисра ёки банд шеърнинг охирида такрорланади ва матнда ҳалқа ҳосил қилади. Унинг номланиши ҳам шундан келиб чиққан. Бунда ҳалқа мисра ёки банд шаклида такрорланади. Бунинг бошқа такрорлардан фарқи шундаки, ҳалқа шеърни бир бутунликда ифодалайди. Шеър бошида берилган фикр шеър давомида ривожланиб боради ва охирида умумлаштирилади. "Ҳалқа, биринчидан, шеър ғоясини кўрсатса, иккинчидан, шеърнинг бошқа бандларини ўз доирасига қамраб олади - шеърнинг композицион бир бутунлигини вужудга келтиради".[2]

Ҳалқа такрорида шеър бошида бирор фикр айтилиб, шу фикр ривожлантирилади, шеър охирида яна шу фикрга қайтилади. Ҳалқа такрорини йирик тил бирликлари, асосан, гаплар ҳосил қилади.

Шоир шеърятда ҳалқа такрорининг мисра ва банд шаклидаги кўринишлари мавжуд, яъни шеър бошида келган мисра ёки банд шеър охирида такрор қўлланган. Бундай такрорлар оддий қайтариқлар бўлмай, услубий вазифа бажаришга хизмат қилган. Буни шоирнинг бир қанча шеърларида кузатамиз.

Муҳаммад Юсуф "Қушлар ҳам йиғлар..." шеърда "Йиғласа керак" мисрасини ҳалқа такрори сифатида қўллайди. Шеърда лирик қаҳрамоннинг теракни йиқитганларида, чумчуқ ини ҳам бузилиб кетгани, айвонда устун бўлган терак, кўнгилларни чоғ этса ҳам, она чумчуқни йиғлатиши ифодаланган. Уч банддан иборат шеърнинг ҳар бир бандида қушлар йиғласа керак бир бош бўлакли гапи такрор қўлланиб, ҳалқа такрорини юзага келтирган. Шоирнинг қушга ачиниши шеърдаги асосий такрорланувчи мисрада ифодаланади.

*Дастлабки банд: Терлар оқди сув бўлиб биздан  
Ва гурсиллаб йиқилди терак...  
Ака, бизнинг қилмишимиздан  
Тунда қушлар йиғласа керак.*

*Кейинги мисрада: Янги инда йиғласа керак.*

*Охирги мисрада: Шунда қушлар йиғласа керак*

Ҳар бир бандда ифодаланган фикр шеър охирида умумлаштирилган. Шеър охиридаги Шунда қушлар йиғласа керак мисрасининг алоҳида такрорланиши уларнинг бир бутунлигини таъминлаган.

Мисра ва банд такрори шеърятда кўп қўлланадиган такрор туридир. Бундай такрорлар ҳалқа такроридан фарқ қилиб, шеърнинг турли қисмларида такрор келиши мумкин. Ҳалқа такрорида шеър бошидаги мисра ёки банд шеър охирида такрорланиши шарт ва шу билан бирга шеърнинг бошқа қисмларида такрор келиши ҳам мумкин. "Ўзбек тилида сўзларнинг, шунингдек, сўздан кўра каттароқ структура ва мазмунга эга бўлган бирликларнинг такрор ҳолда қўлланиши жуда

кўп учрайдиган ҳодиса. Лекин бундай такрорлар ифодалайдиган маънолар, улар бажарадиган вазифалар бир хил эмас".[1]

Муҳаммад Юсуф шеърятти сербўёқ, мантиқан мукамал образли тасвирларга бой. Шоирнинг "Кокилинг ким кесди, ёр?" шеърда Кокилинг ким кесди, ёр? мисраси гўзал тарзда такрор қўлланиб, такрор мисралар воситасида шоир қизга енгилгина дакки беради: Момом ўриб ўтган соч,

*Ўсиб товон ўпган соч.*

*Ўсиб товон ўпганда,*

*Йиғлаб йиғлаб кетган соч...*

*Кокилинг ким кесди, ёр?*

Ёки "Қизлар қўшиғи" номли беш банд (29 мисра)дан иборат шеърнинг ҳар бир бандида "Қай ўғилдан камдир, айтинг, қизингиз" мисраси шеър давомида олти марта такрорланган.

Муҳаммад Юсуф шеърларида мисра такрори воситасида, биринчидан, образ яратиш, иккинчидан, такрори воситасида, шеърнинг ғоявий мазмуни билан унинг ўқилиши ўртасида мусиқий муштараклик ва ҳамоҳангликни кашф этиш жараёни кузатилади. Жумладан "Ўзбек қизлари" шеърда "Куёвга чиқмаган ўзбек қизларин" мисраси такрор қўлланилиб, "Дугонаси Ҳаё, синфдоши Ор" бўлган ўзбек қизларининг юзлари, кўзлари, кўнгли ҳам меҳри ҳам юқоридаги мисра такрори орқали ёрқинлашиб боради.

Яна бир "Оқ рўмол қизлар" шеърда икки мисра "Ойдин қизлар, ойжамол қизлар, Ойдан тушган оқ рўмол қизлар" мисраси эпифорик такрор сифатида берилади. Ойдин, ойжамол, ойдан тушган каби сўзлардаги фонетик такрор ҳам оҳангдошликни, даражаланишни юзага чиқаради.

Юқоридаги мисоллардан кўриш мумкинки, шоир шеърларида грамматик такрорнинг, асосан, синтактик такрор шакли кенг қўлланилган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, шеърятда ташбеҳ ёки турли стилистик воситаларни тўғри қўллай олиш шеърятнинг муҳим санъати бўлиб ҳисобланади. Шеърятда сербўёқ, мантиқан мукамал образли воситаларни чуқур ўрганиш зарур.

### **Адабиётлар:**

1. Абдурахмонов Х. Мақол ва маталларда такрор компонентларнинг қўлланиши // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент, 1974. - 3-сон. - Б. 60.
2. Афоқова Н. Абдулла Орипов лирикасида бадиий санъатлар: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. - Т., 1997. - Б. 23.
3. Бобоев Т. Бобоева З. Бадиий санъатлар. - Т.: ТДПУ, 2000. - Б. 98.
4. Дониёров Х., Йўлдошев Б. Адабий тил ва бадиий стиль. - Т.: Фан, 1988. - Б. 79.
5. Йўлдошев Б. Бадиий нутқ стилистикаси. - Самарқанд: СамДУ, 1982.
6. Йўлдошев М. Чўлпоннинг бадиий тил мақорати: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. - Т., 2000. Б. 24.
7. Уринбаев З.Б. Лингвистическая природа редуPLICATION в современном узбекском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. - Т., 1982. - С. 18.
8. Каримов С. Бадиий услуб ва тилнинг ифода тасвир воситалари. - Самарқанд: СамДУ, 1994. - Б. 54.

9. Муҳаммаджонова Г. 80-йиллар охири, 90-йиллар бошлари ўзбек шеърятининг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. - Т., 2004. - Б. 23.
10. Исҳоқов Ё. Ташобеҳул-атроф // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент. 1972. - 1-сон. - Б. 90-92.

**СЎЗ САНЪАТИ  
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ**

---

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ  
ИСКУССТВО СЛОВА**

---

**INTERNATIONAL JOURNAL  
OF WORD ART**

**№5 (2019)**

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амир Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000